

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАЛОМОВА НОДИРА БАХОДИРОВНА**

**ҚОРА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ҚОРХОНАЛАРИДА  
ХАРАЖАТЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Economics Sciences**

<b>Абдусаломова Нодира Баходировна</b> Қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш.....	3
<b>Абдусаломова Нодира Баходировна</b> Совершенствование управление затратами и бухгалтерского учета на предприятиях черной металлургической промышленности.....	27
<b>Abdusalomova Nodira Bakhodirovna</b> Improvement management expenses and the accounting on enterprise of black metallurgical industry .....	51
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАЛОМОВА НОДИРА БАХОДИРОВА**

**ҚОРА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ҚОРХОНАЛАРИДА  
ХАРАЖАТЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt76 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг [www.tmi.uz](http://www.tmi.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Холбеков Расул Олимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ибрагимов Абдугапур Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Дусмуратов Ражаббой Давлетбоевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-11-48; e-mail:tmi@tmi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х.Хайдаров**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**С.У.Меҳмонов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.н., профессор

**А.Ж.Тўйчиев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д. доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётида қора металлургия саноати алоҳида ўринга эга бўлиб, металлни қайта ишлаш, машинасозлик, энергетика, қурилиш ва транспорт соҳаларини керакли ҳомашё билан таъминлайди. Жаҳон темир уюшмаси (World Steel Assosiation WCA) маълумотларига кўра, қора металлга бўлган талаб ривожланаётган мамлакатларда 2016 йилда 2 фоизга, 2017 йилнинг 3 чорагида эса 1,4 фоизга, ривожланган мамлакатларда 2016 йилда 0,2 фоизга, 2017 йилнинг 3 чорагида 1,1 фоизга ўсган<sup>1</sup>. Жаҳонда иқтисодиётни ривожлантириш учун саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш натижасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга кўшимча имкониятлар яратилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз саноат тармоқлари маҳсулотларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини техник-технологик жиҳатдан замонавий асосларда ташкил қилиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилди. Амалга оширилган чоратадбирлар натижасида тармоқнинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши 2000 йилдаги 1,3 фоиздан 2016 йилда 2,9 фоизга ўсди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, улушини кўпайтириш»<sup>2</sup> вазифаси кўйилган. Бу борада саноатни янада ривожлантириш, унинг таркибида қора металлургия тармоғида маҳаллий ҳомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, тармоқни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, рақобат муҳитини шакллантиришдаги муаммоларни ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида қора металлургия саноати корхоналарида харажатлар ҳисобига бағишланган илмий ишлар қамров ва ўринлилиқ нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада қуйидаги муҳим илмий вазифаларни ҳал этишга эътибор қаратилмоқда, яъни моддий харажатлар таҳлили ва бошқарув ҳисобини ташкил қилиш, бошланғич ҳисоб маълумотларини умумлаштириш, харажатларни бошқариш ва ҳисобга олиш, ахборот-таҳлил таъминотини ўрганиш, бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг сифатини ошириш, ходимларни рационализаторлик ишларига кенг жалб қилиш, кам харж ва юқори самарадор лойиҳаларни ишлаб чиқиш, меҳнат сарфини ҳисобга олиш ва унумдорликни ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2016 йил 22 декабрдаги

<sup>1</sup> <https://www.worldsteel.org/>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ПҚ-2692-сон «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 августдаги 671-сон «Республиканинг қора металллар прокатига бўлган кўшимча эҳтиёжини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида мазкур диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технология ривожланишининг I.»Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритувчи хўжалик субъектларида амалга ошириладиган харажатлар ҳисобининг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини ўрганиш доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, мазкур муаммонинг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини ўрганиш масалаларига хорижлик олимлардан К.Друри, М.Н.Арора, Э.Аткинсон, Э.А.Гончарова, А.А.Журавлева, А.В.Колесова, Л.Н.Муратова, В.Юрьева, Н.А.Харитоновна, Н.Д.Врублевский, С.Ю.Дубинина, Э.Уайлман, Н.И.Чупахина ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи олимлари ҳисобланган А.А.Абдуганиев, Б.А.Хасанов, А.А.Каримов, А.Х.Пардаев, Р.Д.Дўсмуратов, А.А.Хашимов, А.К.Ибрагимов, К.Б.Уразов, М.Қ.Пардаев, С.Қодирхонов, Р.О.Холбеков, А.Ж.Туйчиев, Х.А.Ортиқовлар томонидан тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Друри. К Management and Cost Accounting, Том 2; Том 6. Cengage Learning EMEA, 2004. Арора М.Н. Cost and Management Accounting: (theory, Problems and Solutions). Himalaya Publishing House, 2009.; Аткинсон Э., Управленческий учет: Пер.с англ.-3-е изд. - М.: Издательский дом «Вильямс»,2005.; Гончарова Э.А. Управление затратами и результатами деятельности предприятия: учебное пособие. – СПб. : Изд-во СПбГУЭФ, 2012. Журавлева А.А. Управленческий учет и анализ материальных затрат на металлургических предприятиях. Дис...канд.экон.наук. Новосибирск-2007.; Колесова А.В. Методические обеспечение процессного подхода к анализу затрат предприятия. Дис...канд.экон.наук Сургут -2012.; Муратова Л.Н. Формирование системы контроллинга на промышленном предприятии [Электронный ресурс]: На примере металлургического комбината . Дис...канд. экон. наук 03.00.05 .-М.: РГБ, 2005.; Юрьева Л.В. Стратегия формирования затрат на металлургический предприятиях [Электронный ресурс]: Дис...канд. экон. наук: 08.00.12.-М.:РГБ,2005.; Харитоновна Н.А. Управление расходами промышленного предприятия [Электронный ресурс]: На примере черной металлургии: Дис....д-ра.экон.наук: 08.00.05,08.00.12.-М.:РГБ,2006.; Врублевский Н.Д. Управленческий учет издержек производства и себестоимости продукции в отраслях экономики.-М.:Бухгалтерский учет,2004.; Дубинина С.Ю. Организация учета, контроля затрат на повышение конкурентоспособности продукции// Дис...канд. экон.наук, специальность 08.00.12. - Самара.: СГЭУ, 2006.; Уайлман Э. Сокращение затрат/ Эндриу Уайлман: пер.с англ.-М.:Альпина Бизнес Букс, 2009.; Чупахина Н.И. Методология управленческого учета в агрохолдингах//Автореферат Дис....д-ра.экон.наук по специальности 08.00.12. - Бухгалтерский учет, статистика.-М., МГУ им. Ломоносова М.В. 2010.; Абдуганиев А.А. Дис...икт.фан.д-ри. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш харажатлари, уларнинг ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш ва таҳлили. БМА.1998.; Хасанов Б.А, Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. –Т.: Янги нашр, 2011.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Дис....икт.фан.д-ри.БМА.Т.2009. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. Дис....икт.фан.д-ри.БМА.Т.2002.; Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида

Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида харажатлар ҳисоби, ишлаб чиқариш ҳисоби ва бошқарув ҳисобини такомиллаштиришнинг умумий жиҳатлари ўз ифодасини топган. Мазкур тадқиқотларда асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ҳамда бошқарув ҳисоби ва таҳлилига қаратилган бўлиб, қора металлургия корхоналарида харажатларни бошқариш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш масалалари алоҳида объект сифатида ўрганилмаган.

Бугунги кунда қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш ҳисоби, уларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, харажатлар ҳисобини ташкил қилиш услубиёти ишлаб чиқилмаганлиги, тармоқнинг ривожланишида харажатларни бошқаришда тизимли тадқиқ қилиш бўйича ёндашувларнинг амалда мавжуд эмаслиги, хусусан, харажатларни бошқариш юзасидан мавжуд муаммонинг баъзи жиҳатларига бухгалтерия ҳисобининг халқаро тажрибаларига асосланган ҳолда ечиш билан боғлиқ масалалар бўйича тадқиқотлар етарли даражада эмаслиги мазкур мавзуда илмий иш олиб боришни тақозо қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш концепциясининг университет илмий тадқиқот фаолиятининг асосий йўналишларида белгиланган ФМ-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналиши»га, шунингдек, мамлакатни истиқболли иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устувор вазифаларига мос тушади.

**Тадқиқотнинг мақсади** қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни шакллантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

харажатларни бошқариш ва уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига таъсири бўйича умумишлаб чиқариш харажатларини шакллантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

---

бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари. Иқт.фан.д-ри. дисс....автореф.БМА.Т.,2006. Дустмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш. Дис....иқт.фан.д-ри. БМА.Т.2008.; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. Иқт.фан.д-ри. дисс....автореф.БМА.Т.2004. Қодирхонов С. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. -Т.: Ўзбекистон, 1993.; Холбеков Р.О. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг тамойиллари ва услубиёти. Дис....иқт.фан.д-ри.-Т.,2006.; Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Дис....иқт.фан.д-ри.-Т.,2011.;Ортиқов Х.А. Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўллари.-Т.:ЎзР БМА, номзод. дисс. автореф., 2000.

ишлаб чиқаришнинг ўзига хос технологик хусусиятларидан келиб чиқиб, харажатларни бошқариш тизимини шакллантириш юзасидан тавсиялар бериш;

қора металлургия саноати корхоналарида харажатлар бухгалтерия ҳисобининг усулларини такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тармоқда ҳисоб сиёсатини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

тармоқ корхоналарида харажатлар маркази бўйича ишлаб чиқариш таннархини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш; харажатларни бюджетлаштириш тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қора металлургия тармоғига кирувчи корхоналар ва «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг харажатлар таркиби, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, қора металлургия саноати корхоналарида харажатларини бошқариш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш жараёнларини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида тизимли ёндашув, гуруҳлаш, таққослама таҳлил, индукция, дедукция, қиёсий таққослаш, кузатув, назарий ва амалий ўрганиш, статистик таҳлил, омилли таҳлил, иқтисодий-математик ҳамда бухгалтерия ҳисоби усулларидан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қора металлургия саноати корхоналарида ишлаб чиқаришнинг ўзига хос технологик хусусиятларидан келиб чиқиб, умумишлаб чиқариш харажатларини иккига бўлиб, яъни «умумишлаб чиқариш харажатлари» ва «ишлов бериш харажатлари»да ҳисобга олиш асосида бухгалтерия ҳисоби такомиллаштирилди;

қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқаришда ташқи муҳитнинг таъсири аниқлаб берилди ва уларни ҳисобга олишда такомиллаштирилган харажатларни бошқариш тизими ишлаб чиқилди;

қора металлургия саноати корхоналарида барча ишлаб чиқариш босқичлари бўйича харажатлар моддалари асосида маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усули такомиллаштирилди;

қора металлургия саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёни ва истеъмол қилинадиган ресурсларни режалаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотиш харажатларини бошқариш ва прогноз қилиш асосида харажатларни бюджетлаштириш тизими такомиллаштирилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тармоқда ҳисоб сиёсатини ташкил қилиш билан боғлиқ амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

қора металлургия саноати корхоналарида моддий харажатларни гуруҳлашнинг таркибий тузилиши таклиф қилинган;

маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таснифланиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

харажатлар маркази бўйича харажатларни режалаштириш асосида ишлаб чиқариш таннархини шакллантириш таклиф қилинган;

«Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятида фойдаланилаётган асосий воситалар учун амортизацияни ҳисоблашнинг такомиллаштирилган тизими таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган илмий ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика, бухгалтерия ҳисоби усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан қора металлургия саноати корхоналари харажатларини бошқариш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар қора металлургия саноати корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, харажатларни бюджетлаштириш, тармоқда ҳисоб сиёсатини ташкил қилиш, моддий харажатларни гуруҳлашнинг таркибий тузилишини шакллантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини таснифлаш, харажатлар маркази бўйича харажатларни режалаштириш асосида ишлаб чиқариш таннархини шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

қора металлургия саноати корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш усули асосида харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича берилган таклифи «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ ҳисоб сиёсати доирасида амалиётга жорий қилинди («Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ 2017 йил 17 февралдаги 01/01-11-01-70 сон далолатномаси). Таклифнинг қўлланилиши натижасида 2016 йилда маҳсулот таннархи икки юз эллик миллион сўмга камайди, иқтисодий самарани 2,1 фоизга ошириш имконини берган;

қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқаришда ташқи муҳит таъсирини ҳисобга олиб, харажатларни бошқариш тизими

«Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ ҳисоб сиёсати доирасида амалиётга жорий қилинди («Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ 2017 йил 17 февралдаги 01/01-11-01-70 сон далолатномаси). Ушбу тизимни амалиётга жорий этиш натижасида харажатларни бошқариш тизимида ташқи муҳит таъсирини ҳисобга олиб, харажатлар ҳисобини ташкил қилиш, иқтисодий омиллар таҳлили билан чекланиб қолмасдан, ноиқтисодий омиллар таҳлили асосида харажатлар бухгалтерия ҳисобини ҳозирги ҳолати ва харажатларни бошқаришга ёрдам берди. Натижада 2016 йил 4 чорагида харажатлар уч юз миллион сўмга камайди ва самарадорликни 2,4 фоизга ошириш имконини берган;

«Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятида фойдаланилаётган асосий воситалар учун амортизация ҳисоблаш тизими таклифи «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ ҳисоб сиёсати доирасида амалиётга жорий қилинди («Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ 2017 йил 17 февралдаги 01/01-11-01-70 сон далолатномаси). «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти фаолиятида қўлланилаётган айрим асосий воситаларга нисбатан амортизация ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули таклиф этилган. Ушбу таклифнинг амалиётга тадбиқи натижасида амортизация харажатлари 2016 йилда икки миллиард беш юз миллион сўмга камайди ва умумий маҳсулот таннархи икки миллиард беш юз миллион сўмга пасайиши таъминланди;

қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни режалаштириш, ҳисобга олиш, бошқариш ва прогноз қилиш босқичларини ўз таркибига олувчи харажатларни бюджетлаштириш тизими компьютер дастури яратилиб, «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ ҳисоб сиёсати доирасида амалиётда қўлланилди («Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ 2017 йил 17 февралдаги 01/01-11-01-70 сон далолатномаси). Таклифнинг амалиётга қўлланилиши натижасида харажатларни режалаштириш, режалаштирилган харажатлардан оғишларнинг олдини олиш, харажатларни электрон тизим орқали прогноз қилиш имконияти яратилиб, 2016 йил 4 чорагида тежалган харажатлар миқдори етти юз эллик миллион сўмни ташкил этди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола (жумладан, 12 та республика 4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон иқтисодиётида қора металлургия саноати корхоналарининг тутган ўрни ва уларда харажатлар ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда қора металлургия саноати корхоналарининг тутган ўрни ва ўзига хос жиҳатлари, бошқарув ҳисобининг илмий мактаблари, харажатлар ҳисоби назарияси, бухгалтерия ҳисоби услубиётини ташкил этишнинг назарий асослари йўналишларида тадқиқот олиб борган олимларнинг илмий ишлари ва ғоялари тадқиқ этилиб, уларнинг тизимлашган омиллари таҳлиллари амалга оширилган. Шунингдек, харажатлар ҳисобини ташкил қилишнинг хориж тажрибасини чуқур ўрганиш асосида қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш зарурати ҳамда сабабларини асослашнинг илмий-амалий жиҳатларига бағишланган.

Мамлакатимизда қора металлургия саноати тармоғини равнақ топтириш, унинг моддий-техника базасини тубдан яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннаرخини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Металлургия саноати мустақил қора ва рангдор металлургия тармоқларига бўлинади. Мустақиллик йиллари мобайнида қора металлургиянинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши 2001 йилдаги 1,4 фоиздан 2016 йилда 2,8 фоизга, яъни 2 баробарга ошган.

Муаллифнинг фикрича, келгусида қора металлургия саноатининг барқарор ўсишини таъминлашнинг асосий муаммолари қуйидагилар ҳисобланади: табиий-ресурс салоҳиятидан имконият даражасида тўлиқ ва самарали фойдаланиш; таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш; асосий воситаларнинг маънавий ва моддий эскириши, ресурсларнинг тежалмаслиги ва эскирган технологиялардан фойдаланиш бугунги кунда ишлаб чиқариш жараёнига мавжуд қувватларни жалб этишга тўсқинлик қилмоқда; моддий хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги; маҳсулотларнинг янги рақобатбардош турлари кам ўзлаштирилаётганлиги ишлаб чиқариш даражаси ва экспортнинг ўсишига тўсқинлик қилмоқда.

Қора металлургия саноатининг хусусиятларидан бири асосий маҳсулотлари ҳисобланадиган чўян, пўлат, навли прокат, арматура, доира, тўртбурчак, бурчак, швеллер, олтиқиррали ва пўлат соққалар ишлаб

чиқариш жараёнида жуда катта ҳажмдаги электр энергияси, газ, темир рудаси ва бошқа хил ресурсларнинг ишлатилишидир.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, айни пайтда юқори суръатларда ривожланиш даврида тармоқда янги ишлаб чиқариш технологиясига ўтиш туфайли темир рудаси ва коксланадиган кўмирни жаҳоннинг турли минтақаларидан келтириш имкониятлари анча кенгайди. 2016 йил давомида қора металлургия корхоналари томонидан 3126,3 млрд. сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлиб, 2011 йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 3 баробарга кўпайган. Шунингдек, ўсиш суръати 104,0 фоизни ташкил этган.

Муаллифнинг фикрича, қора металлургия саноатида маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш даражасини таркибий жиҳатдан янгилаш вазибаларини ишлаб чиқиш лозим, у қуйидаги афзалликларга олиб келади: маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи пасаяди; маҳаллий бозорларни арзон ва сифатли қора металл маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ортади; четдан арзон маҳсулот импорт қилиниши ва ўз вақтида жаҳон бозорига арзон маҳсулотлар экспорт қилиниши натижасида аҳолининг даромадлари ҳамда хорижий валюта тушуми кўпаяди; жаҳон бозорида республика қора металлургия саноатининг ишлаб чиқариш хусусиятининг ўзига хос жиҳатлари намоён бўлади бу хориж тажрибалари асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда харажатлар ҳисобини такомиллаштиришга имконият яратади.

Қора металлургия саноати корхоналари харажатлар ҳисобининг асосий вазибалари қуйидагилардан иборат: харажатларни уларнинг моҳиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олиш; корхона харажатларини тўғри туркумлаш ва гуруҳларга ажратиш; корхона харажатлари ҳаракати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни шакллантириш; корхона харажатларини тўғри, ўз вақтида ва тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш; корхона харажатлари бўйича ҳисоб маълумотлари ва ҳисобот маълумотларининг тўлиқ уйғунлигини таъминлаш; тугалланмаган ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олиш; маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг, давр харажатларининг ошиб кетишига сабаб бўлувчи чиқимларни вужудга келиш сабаблари ва айбдорларини топиш, бундай чиқимларга йўл қўймаслик учун масъул шахслар фаолиятини доимий назорат қилиш; мавжуд захиралар ва асосий воситалардан унумли фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш; харажатларни солиқ солиш базаси объекти сифатида тўғри шакллантириш; харажатларни ҳисоблаш тамойилига мувофиқ улар юз берган вақтдан бошлаб тан олиш ва тегишли счётларда акс эттириш; харажатларни молиявий ҳисоботда тўғри акс эттириш ва бошқалар.

Шундан келиб чиқиб, халқаро тажрибаларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда харажатларини бошқариш ва унинг ҳисобини такомиллаштириш талаб этилади. Бу ҳолат корхонага рақобатбардош муҳитда фаолият юритиш, харажатларни қисқартириш, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш корхона фаолияти рентабиллигини таъминлаш имкониятини беради. Халқаро тажрибаларнинг маҳаллий қора

металлургия саноати корхоналарига татбиқ этилиши бошқаришнинг ахборот таъминоти самарадорлигини кучайтиради, бу эса, ўз навбатида, корхонанинг рақобатбардошлиги ошишига ўз таъсирини кўрсатади.

Диссертациянинг «Қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш ва унинг ҳисобини ташкил қилишнинг услубий асослари ва амалиёти» деб номланган иккинчи бобида қора металлургия саноатининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тармоқда ҳисоб сиёсатини шакллантириш, умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш усули ҳамда харажатларни бошқариш тизими ишлаб чиқилган.

Қора металлургия санаоти корхонасида ҳисоб сиёсати асосан молиявий ҳисобни ташкил этиш ва юритишга қаратилган бўлиб, бунда тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб ҳисоб сиёсатини расмийлаштиришда харажатларни бошқариш тизимини ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ҳисоб сиёсатида харажатларнинг бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, харажатлари ҳисобини такомиллаштириб, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини иқтисодий асосланган ҳолда ҳисоблашга олиб келади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қора металлургия саноати корхоналарида ҳисоб сиёсатини қуйидаги босқичларда шакллантириш таклиф қилинди (1-расм).



**1-расм. Қора металлургия саноати корхоналарида ҳисоб сиёсатини шакллантириш босқичлари<sup>4</sup>**

<sup>4</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

Қора металлургия таркибида учта асосий ишлов бериш жараёнлари ўзаро боғлиқликда ташкил этилади: электрда пўлат эритиш, чўян эритиш ва металл (прокат) ишлаб чиқариш. Металлургияда технология жараёнларининг мослашиши жиҳатидан қуйидагилар билан фарқланади: яъни, тўлиқ ишлаб чиқариш даври, у металлургия ишлаб чиқариши технология жараёнининг ҳамма босқичларини ўз ичига олади ва тўлиқсиз ишлаб чиқариш даври, унда технология жараёнининг ҳамма босқичлари ҳам амалга оширилмайди.

Муаллифнинг фикрича, қора металлургия саноати корхоналаридаги технология жараёнига нисбатан корхоналарнинг ўзига хос хусусиятини инобатга олиб, умумишлаб чиқариш харажатларини иккига бўлиб ҳисобга олиш, яъни «умумишлаб чиқариш харажатлари» ва «ишлов бериш бўйича харажатлар» тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунда 2500-счёт негизида 2520-«Ишлов бериш харажатлари» счётини очиш ва унинг дебет томонида ишлов бериш харажатларини акс эттириш умумишлаб чиқариш харажатлари билан боғлиқ чалкашликларнинг олдини олади, бухгалтерия ҳисобида назорат самарадорлигини оширади (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ишлов бериш харажатлари бўйича операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби<sup>5</sup>

т/р	Хўжалик муомаласининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	ДСП-100 УМК с/ЦПШО учун электр энергия	2520	6010
2	АКОС учун электр энергия бўйича мол етказиб берувчиларнинг хизматлари	2520	6010
3	ДСП-100УМК учун электродлар	2520	2810
4	Қайта ишлов беришга табиий газ м.куб.	2520	6010
5	ДСП-100УМК асосий ва ишлаб чиқариш чўмичини қўллашда табиий газ	2520	6010
6	АКОСга ишлаб чиқаришда (юмшатувчи) кимёвий тозаланган айланма суви	2520	2310
7	Сиқилган ҳаво т/м. куб	2520	2310
8	Ичимлик суви м.куб	2520	6010
9	Ишлов бериш жараёнида ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатларининг ҳисобланиши	2520	6710
10	Ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматларининг ишлов бериш харажатларига ҳисобдан чиқарилиши	2520	2310
11	Ишлов бериш харажатларининг маҳсулот таннархига киритилиши	2010	2520

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ишлов бериш бўйича харажатлар моддалари билан тасдиқланган айрим моддалар кесимида қайд этилади. Мос равишда, калькуляцияда тайёр маҳсулот билан бирга олинган

<sup>5</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

яримтайёр маҳсулотлар таннархи белгиланади. Харажатларни бундай тақсимлашга сабаб турли марказдаги пўлат металларига ишлов бериш учун вақт ва қиймат жиҳатидан турли харажатлар талаб этилади.

Муаллифнинг фикрича, харажатларни тақсимлаш учун металл оғирлиги ва ишлов бериш бўйича айрим харажат моддаларининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. «Ўзметкомбинат» АЖда харажатларни ҳисобга олиш бўйича ишлов бериш усулининг хусусияти ҳамма харажатларни бевосита моддий ва ишлов бериш маҳсулоти учун умумишлаб чиқариш ва билвосита кўринишга эга ишлов бериш харажатларига бўлиш ҳисобланади. Бу ишлов бериш бўйича харажатлар таркибига кирувчи бевосита ва билвосита моддий харажатларни ажратишга олиб келади.

Шунга асосан, муаллифнинг фикрича, моддий харажатларни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ, яъни ишлов бериш учун ишлаб чиқаришга ўтказилган хомашё ва яримтайёр маҳсулотлар ҳамда цех харажатлари, яъни ишлов бериш харажатлари таркибига киритилувчи моддий харажатлар. Моддий харажатларнинг охири гуруҳи металлга ишлов бериш бўйича меҳнат сиғимини ҳисобга олган ҳолда яримтайёр маҳсулотлар оғирлигига мутаносиб ҳолда маҳсулот турлари ўртасида тақсимланади. Бунга мувофиқ, ҳисоб бу икки гуруҳ тўғрисидаги ахборот алоҳида шаклланиши учун ташкил этилади.


Муаллиф таъкидлашича, харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисобини юритишда, корхонанинг жорий, молиявий ва инвестициявий фаолияти давомида юзага келадиган муаммоларни ечиш учун олдинги, жорий ва келгуси харажатлар тўғрисида маълумот керак бўлади. Бу мақсадга мувофиқ равишда харажатларни бошқариш тизими куйидаги вазифаларни амалга оширишни осонлаштириши керак, яъни ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш ва молиявий натижани аниқлаш, ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий самарасини аниқлаш ва баҳолаш, қарорлар қабул қилиш учун харажатлар тўғрисидаги маълумотни тизимлаштириш. Шундан келиб чиққан ҳолда харажатларни асосли равишда қисқартириш мақсадида, олиб борилган тадқиқотлар асосида қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш тизими ишлаб чиқилган (2-расм).

Ушбу тизимнинг амалиётга тадбиқ этилиши натижасида корхона раҳбари харажатларни самарали бошқаришда зарурий чора-тадбирларни қўллашда тўлиқ, аниқ ва керакли маълумотларни ўз вақтида олиш имконига эга бўлади. Бу раҳбарга харажатларнинг калькуляция моддаларини тўғри ҳисобга олиниши, назорат ва бошқарув таҳлилини ўтказишда зарурий чора-тадбирларни қўллашда ёрдам беради.

Қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш тизимида ташқи муҳит таъсири алоҳида кўрсатилишининг сабаби, айнан ташқи муҳит таъсирини ҳисобга олиб, харажатлар ҳисобини тадқиқ қилишда, иқтисодий омиллар таҳлили билан чекланиб қолмасдан, ноиқтисодий омиллар таҳлили асосида харажатларни бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисоби методологиясини ривожлантириш истиқболларини баён қилиш имконини беради. Ички муҳит

ҳам ташқи муҳит таъсири остида бўлади, харажатлар ҳисобини ташкил қилиш бўйича ўз қоида ва меъёрларини ташкил этиш йўли билан харажатларни тўғри бошқариш мумкин бўлади.

Бошқарув қарорларини қабул қилишда қора металлургия саноати корхонаси раҳбарлари харажатлар ҳисоби объектлари ҳақида маълумот тўплашлари керак. Шунингдек, харажатларни бошқаришда харажатларни тартибга солиш ҳамда келгусида юзага келадиган харажатларни башорат қилиш алоҳида аҳамият касб этади, чунки шу асосда харажатларни режалаштириш, ташкил қилиш ва юзага келиш сабабларини аниқлаш мумкин бўлади.



2-расм. Қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш тизими<sup>6</sup>

Харажатларни мувофиқлаштириш босқичида харажатларни ўзаро мослиги аниқланса, харажатларни режалаштириш ва калькуляция қилиш босқичида ишлаб чиқариш ҳажми белгиланади. Харажатларни бошқариш тизимининг якуний элементи назорат ҳисобланади. Назорат сўнгги режалаштириш ва таҳлил қилиш жараёни ҳисобланиб, корхона ўз олдида қўйган вазифаларини бажариш учун йўл кўрсатади ҳамда ортиқча харажатларни аниқлаш ва бартараф этишга ёрдам беради.

<sup>6</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

Муаллиф таклиф қилган тизимга асосан ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш услубиёти олти асосий босқични ўз ичига олади.

- *биринчи босқичда* ишлаб чиқариш жараёни белгиланади;
- *иккинчи босқичда* ишлаб чиқариш жараённинг чегараси тавсифланади;
- *учинчи босқичда* ишлаб чиқариш жараёнинида юзага келган четла-нишлар аниқланади;
- *тўртинчи босқичда* ишлаб чиқариш жараёнида назорат нуқталари ўрнатилади;
- *бешинчи босқичда* ишлаб чиқариш жараённинг назорат нуқталаридан олинган натижалар баҳоланади;
- *олтинчи босқичда* ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида олинган маълумот ва таклифлар таҳлил қилинади.

«Ўзметкомбинат» АЖда харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисо-бини такомиллаштириш мақсадида беш босқичдан иборат калькуляцияни тузиш кетма-кетлиги ишлаб чиқилди. Маҳсулот таннархи калькуляцияси харажатлар, уларни умумлаштириш тўғрисидаги ахборотларнинг асоси сифа-тида хизмат қилади. Қора металлургия саноати корхоналарида ишлаб чиқа-ришни ташкил этиш ва харажатлар ҳисоби бўйича ишлов бериш усули шаро-итида мавжуд калькуляция ахборотлари харажатларни бошқариш мақсадида чуқур таҳлилини амалга ошириш имконини бермайди. Амалдаги калькуляцияларда тайёр маҳсулот таннархини истеъмол қилинган ресурслар, шу жумладан, моддий ресурслар кесимида учинчи ишлов бериш жараёнида бевосита кузатишнинг иложи йўқ, чунки бунда биринчи ва иккинчи ишлов бериш калькуляциялари ахборотларидан фойдаланиш зарур. Агар ҳар бир ишлов беришда тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари, яримтайёр (топширилган, лекин ишлаб чиқарилмаган) маҳсулотлар омбори мавжудлиги ҳисобга олинса, у ҳолда моддалар ёки иқтисодий элементлар бўйича якуний ишлов берилган тайёр маҳсулотлар таннархини аниқлаш мумкин.

Муаллифнинг фикрича, таклиф қилинаётган калькуляция маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи калькуляциясини тузиш бўйича шундай ҳисобот турики, унда харажатлар тўғрисидаги ахборотлар охирги ишлов бериш бўйича эмас, балки ҳамма ишлаб чиқариш босқичлари бўйича тақдим этилади.

Бундай калькуляциянинг асосий мақсади ҳамма харажат моддаларини қўшиш билан металл маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархи калькуляцияси ва харажатлар ҳисобидан иборат. Бундай ҳисоботни тузишнинг асосий талаби харажатлар моддаларининг ягона рўйхати мавжудлиги ҳисобланади. Шунга асосан, «Ўзметкомбинат» АЖда ишлаб чиқаришнинг тайёр маҳсулоти таннархи шаклланиш жараёнлари беш босқични ўз ичига олади.

**1-босқич.** Ҳар бир босқичда умумий ишлаб чиқариш ҳажмида ишлаб чиқариш учун берилган яримтайёр маҳсулотнинг солиштирма оғирлиги қандай эканлиги тўғрисидаги ахборотларни тайёрлашдан иборат. «Ўзметкомбинат» АЖ ишлаб чиқариш технологиясидан келиб чиқиб охирги

ишловдан тайёр маҳсулот чиқишини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мақсадга мувофиқ:

$$TM = X + ЯМ_1 - Ч_1 - Б_1 - \Delta ЯИЧ_1 - \Delta К_2 - Ч_2 - Б_2 - \Delta ЯИЧ_2 - \Delta К_3 - Ч_3 - Б_3 - \Delta ЯИЧ_3 \dots - \Delta К_n - Ч_n - Б_n - \Delta ЯИЧ_n \quad (1)^7$$

Бу ерда:  $TM$  – натурал кўринишдаги тайёр маҳсулот чиқиши;

$X$  – ишлаб чиқаришга берилган хомашё;

$ЯМ_1$  – биринчи ишловга берилган яримтайёр маҳсулот;

$Ч_1$  ( $Ч_2, Ч_3, Ч_n$ ) – биринчи, (иккинчи,  $n$  -) ишловдаги натурал кўринишдаги чиқитлар;

$Б_1$  ( $Б_2, Б_3, Б_n$ ) – биринчи, (иккинчи,  $n$  -) ишловда ишлаб чиқаришга берилган ярим тайёр маҳсулот бўйича олинган натурал кўринишдаги яроқсиз маҳсулот ҳажми;

$\Delta ЯИЧ_1$  ( $\Delta ЯИЧ_2, \Delta ЯИЧ_3, \Delta ЯИЧ_n$ ) – биринчи, (иккинчи,  $n$  -) ишловда яқунланмаган ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши;

$\Delta К_2, \Delta К_3, \Delta К_n$  – иккинчи ва  $n$  - ишловда омбордаги яримтайёр маҳсулот қолдигининг ўзгариши.

**2-босқич.** Металл маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича тонналарда ҳисобга олинган ишлаб чиқариш ҳажми асосида, муайян маҳсулотга билвосита харажатларни тақсимлаш учун ҳамма ишлов бериш жараёнлари асосида ушбу харажатларни тақсимлаш коэффициентини фарқлаш зарур бўлади. Маълум ишлов берилган маҳсулот калькуляциясини амалга оширишда у қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{mi} = \frac{У_{иш.б.и. n}}{V_{иш.б.и. n} * K_{м.с.и. n}} \quad (2)^8$$

Бу ерда:  $K_{mi}$  – маҳсулот учун алоҳида ишлов бўйича билвосита харажатларни тақсимлаш коэффициенти;

$У_{иш.б.и.}$  – умумишлаб чиқариш, ишлов бериш харажатлари;

$V_{иш.б.и.}$ ,  $V_{иш.б.и. n}$  – ишлов берилувчи, чиқит ва яроқсиз маҳсулот ҳажмини чиқариб ташлаган ҳолда берилган  $i, n$  - яримтайёр маҳсулот ҳажми;

$K_{м.с.и.}$ ,  $K_{м.с.и. n}$  –  $i, n$  - яримтайёр маҳсулотга ишлов бериш меҳнат сифими коэффициенти.

Муаллиф таъкидлашича, бу коэффициент ишлов берилган ҳамма яримтайёр маҳсулотлар умумий ҳажмида тонналарда келтирилган (ҳисобланган) яримтайёр маҳсулот ҳажми улушини акс эттиради.

**3-босқич.** Ушбу босқич ишлов бериш бўйича бевосита харажатлар тўғрисидаги ахборотлар тўплаш ва умумлаштиришдан иборат. Бунда бирламчи ҳужжат асосида тайёр маҳсулот олиш мақсадида ишлаб чиқаришга йўналтирилган яримтайёр маҳсулотлар ҳажмини аниқлаш зарур бўлади.

**4-босқич.** Бу босқичда муайян маҳсулот ишлаб чиқаришда билвосита харажатлар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва умумлаштириш тавсия этилади. Мавжуд калькуляция ой яқунлари бўйича таннархни акс эттиришни

<sup>7</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

<sup>8</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

кўзда тутати. Бунинг учун нафақат қилинган харажатлар ҳажми, балки цех фаолиятининг бошқа кўрсаткичларини акс эттирувчи цех ҳисоботи ҳисоб-китоб учун асос сифатида хизмат қилади.

**5-босқич (якуний).** У тасдиқланган харажат моддалари кесимида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотларни жамлашдан иборат. Ҳар бир босқичнинг мазмуни, фойдаланилувчи ахборот манбалари ва натижалар ўзаро боғланиши керак бўлади. «Ўзметкомбинат» АЖда маҳсулотлар калькуляциясини тузиш кетма-кетлигини қуйидагича тузиш мақсадга мувофиқ (3-расм):



3-расм. «Ўзметкомбинат» АЖ маҳсулотлар калькуляциясини тузиш кетма-кетлиги<sup>9</sup>


Муаллифнинг фикрича, «Ўзметкомбинат» АЖда амалдаги бошқарув ҳисоби тизимини ўрганиш асосида қайд этиш лозимки, харажатларни бошқариш бўйича мустақил кичик тизим ажратилмаган, лекин унинг алоҳида, тарқоқ элементлари мавжуд. Қора металлургия корхонасининг ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун, аввало, харажатлар марказларини ажратиш орқали объектив имкониятларни излаш ва уларни татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Мос равишда, асосий ва ёрдамчи харажатлар марказини ажратиш мумкин. Шунга асосан, олиб борилган тадқиқотлар натижасида, қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни

<sup>9</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

харажатлар маркази бўйича режалаштириш жараёнининг тавсифи шакллантирилиб, харажатлар маркази бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини шакллантириш тартиби таклиф қилинди.

Диссертациянинг учинчи боби «Қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари»га бағишланган бўлиб, диссертация ишида олиб борилган илмий-амалий тадқиқотлар асосида харажатларни бюджетлаштиришнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш, қора металлургия саноати корхонасида бюджет кўрсаткичларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш ҳамда харажатларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишларига эътибор қаратилган.

Тадқиқот иши давомида маълумотларни юклашда «1С» компьютер дастури билан ўзаро боғлиқ ҳолда ишлай оладиган «Харажатларни бюджетлаштириш тизими» компьютер дастури ишлаб чиқилиб, ушбу дастур «Ўзметкомбинат» АЖ фаолиятида қўлланилмоқда. Унга мувофиқ, қора металлургия саноати корхоналари учун бюджетлаштириш тизимини амалга оширишнинг қуйидаги босқичлари таклиф этилган (4-расм).




4-расм. Қора металлургия саноати корхоналарида бюджет тузиш босқичлари<sup>10</sup>

<sup>10</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

Таклиф қилинаётган қора металлургия саноати корхонаси фаолиятини бюджетлаштириш умумий ҳолатда фаолият турлари ҳамда жавобгарлик марказлари бўйича шакллантирилган жорий бюджетларни ишлаб чиқишга асосланиб, улар корхонани ривожлантириш дастурининг асосини ташкил қилади.

Муаллифнинг фикрича, «Ўзметкомбинат» АЖ молиявий-хўжалик фаолияти бюджетини ишлаб чиқиш жараёнларининг ташкилий жиҳатдан ўнта босқичга бўлиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларнинг ҳар бирида муайян бюджетлар шаклланади ва аниқ вазифалар ҳал этилади (5-расм).



